



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2009 йил 31 июль, № 150 (4813)

Жума

**МУСТАҚИЛЛИК БИЗ УЧУН — ЎЗЛИГИМИЗНИ АНГЛАШ, ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА
БАРҚАРОРЛИГИНИНГ, ИНСОН МАНФААТИ, ЭРКИНЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИНГ,
БИЗ КЎЗЛАГАН ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ БАРПО ЭТИШНИНГ ГАРОВИДИР.**

ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Қарор ва ижро



СУРАТЛАРДА: корхона раҳбари Нортжи Абдулахадов, йўлсозлар Жўракул Жонқобилов ва Самариддин Нурмаматов; иш жараёнидан лавҳа.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.



Юртимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб автомобиль йўллари қуриш, мавжудларини жаҳон андозлари даражасида қайта таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Натижада ўтган давр мобайнида нафақат халқаро аҳамиятга молик бўлган, балки ички йўллар ҳам кенг ва раво бўлиб, апрофлари гулзорга айланган. Бундай кўчаларда юрган киши толиқишни сезмайди, аксинча, кайфияти кўтарилади.

Шеробод тумани "Йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш" корхонаси жамоаси энг улуғ ва энг азиз байраминизга муносиб тўхта ҳозирлаётган. Гап шундаки, жамоа аъзолари "Алмати — Бишкек — Тошкент — Термиз" автомагистралнинг 5 километр масофадаги йўлини қайта таъмирлаш ишларини байрам шодоналарига қадар якунлаш ниятида ишни жадаллаштиришган. Бунда Президентимизнинг жорий йил 22 апрелдаги "2009-2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрални реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори дастурийлашма билан йўлсозларнинг меҳнати билан тамомлаш ўзгача қиёфа касб этиб бораётган. Бу ерда 150 нафар киши 80 дан ортиқ техника ёрдамида катта ҳажмдаги тўроқ ишларини амалга оширди. Пировадиди тоғ хўдудидан ўтган йўл анча кенгайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, аграр секторни ривожлантириш мақсадида аниқ ва узоқни кўзлаб ишлаб чиқилган чора-тадбирлар натижа-сида фермерлар ушбу соҳада ҳақли равишда етакчи қучга, қишлоқда фаол ислохотчига айланиб бораётган. Бевосити давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган имкониятлар уларни ана шундай ишлашга ундаяпти, янги-янги марралар сари етакламоқда.



ФЕРМЕР — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Узоққа бормаиллик, жорий йилда фермерларимиз томонидан республикамизда қишлоқ ҳўжалиги тарихида биринчи марта баъзидан 610 миң тоннадан зиёд ғалла хирмони бунёд этилди. Бу, аввало, давлатимиз раҳбари истиқлолнинг дастлабки йилларида ишлаб чиққан мамлакатимизнинг эркин бозор иқтисодиётига ўттиш модели нақадар пухта ва тўри эканлигиндан далolat берса, иккинчидан, юртимиз меҳнатқашларининг, бунёдкор халқимизнинг эл-юрт равнақи йўлидаги фидокорона меҳнати самарасидир.

Юртимиз деҳқонларининг бу меҳнат зафари мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиғига муносиб тўёна бўлди.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда республикамизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг "Озиқ-овқат экинлари экиладиган май-

(Давоми 2-бетда).

ХЁН КЁНГ-ТЭК: «ИНҚИРОЗГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР ДАСТУРИ ЎЗ САМАРАСИНИ НАМОЙИШ ЭТМОҚДА»

Хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситалари, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, таҳлилий доиралари вакиллари жорий йилнинг 17 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида эълон қилинган 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини кенг таҳлил қилмоқда.

Ўзбекистон бошқа давлатлар билан таққослаганда, энг диққатга сазовор иқтисодий натижаларга эришди. Расмий маълумотларга кўра, мамлакат ялли ички маҳсулоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,2 фоизга ўсган, — деб ёзади Россиянинг "РБК" ахборот агентлиги. — Шу билан бирга, 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигида санаот маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги ўсиш 9,1 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда 13,1, қишлоқ ҳўжалигида 4,6, хизмат кўрсатиш соҳасида 18,5, курилиш ишларида 32,5 фоизга тенг бўлган. Давлат бюджети 0,3 фоиз профицит билан бажарилган. Биринчи ярим йилликда аҳолининг соф даромадлари 25,9 фоизга кўпайган.

"РБК", шунингдек, австралиялик сибсатшунос Ричард Помфретнинг фикрини ҳам келтириб ўтади: "Ўзбекистон чиндан ҳам тўри йўлдан кетмоқда. Мамлакат ислохотларини бошқичма-бошқич тарзда амалга ошираётгани боис кейинги йилда бундан ҳам яхшироқ натижаларга эришса, ҳайрон бўлмайман. Шу кунгача дунёнинг ҳеч бир давлати бундай натижага эришмаган. Эътиборлиси, 2009 йил биринчи ярмига кўра, республика савдо балансидаги ижобий салдоиси қарийб 1,6 миллиард АҚШ долларига етган".

Россиянинг "Интерфакс" ахборот агентлиги ўқувчилар эътиборини ўзбекистонда жорий йил биринчи ярмидаги иқтисодий ўсиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 8,2 фоизни ташкил этганига қаратади. "Иқтисодий ўсиш МДХ таркибига кирувчи бир неча давлатдагина кузатилади. Эътиборлиси шундаки, Ўзбекистонда ялли ички маҳсулот ҳажми, асосан, санаот ишлаб чиқариши ҳисобига юксалган", деб ёзади агентлик.

"ИнфоШОС" ахборот портали ҳам мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижалари ҳақида сўз юритган. "Глобаллашув шароитида кўринмас иллар билан болганган дунё иқтисодий инқироз домида бўлишига қарамай, Ўзбекистонда мазкур салбий жараён оқибатларининг нафақат олди олиниди, балки барқарор иқтисодий ривожланиш ҳам таъминланмоқда, — деб ёзади портал. — Бундай ижобий натижага Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган, ислохотларни амалга оширишнинг беш тамойилига асосланган ижтимоий-иқтисодий сиёсатни юритиш ҳамда инқирозга қарши чораларни ўз вақтида қабул қилиш тўғрисида эришилди".

(Давоми 2-бетда).

Озод ва обод юрт байрамлари

Президентимизнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригида алоҳида таъкидланганидек, мамлакатимизнинг ғалла мустақиллиғига эришгани ва сўнги йилларда юртимизда дон тайёрлаш ҳажми мунтазам ўсиб бораётгани, халқ ҳўжалиги ва аҳолиимизнинг эҳтиёжларини тўлиқ таъминлаш билан бирга, етиштирилган ғалламизни экспорт қилишга муваффақ бўлганимизнинг ўзи нафақат иқтисодий, керак бўлса, сиёсий-стратегик аҳамият касб этиб, кўнглимизни ифтихорга тўлдирмоқда ва эртанги кунга бўлган ишончимизга мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

ШИЖОАТЛИ МЕҲНАТ ҚУВОНЧИ

Шу кунларда вилоятларда ғаллакорларнинг жорий йилги улкан меҳнат зафарига бағишлаб ўтказилаётган "Ҳосил байрами" тантаналари бу фикрнинг нақадар асосли эканлигини яна бир қарра исботламоқда. Кўтаринки руҳда ташкил этилган ана шу байрамларда барча юрдошларимиз, хусусан, ғаллакорларимизнинг фидокорона меҳнати ҳар томонлама шарафланмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ. Вилоят ғаллакорлари бу йил мисли кўрилмаган дон хирмони яратдилар. Ялли хирмон салмоғи вилоят ғаллачилиги тарихида биринчи марта 1 миллион тоннага етди. Шундан 456 миң тоннаси шартнома мажбурияти бўйича дон қабул қилиш пунктларига етказиб берилди. Бу кўзда тутилганидан 77 миң тонна кўпдир.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Унда сенаторлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, сиёсий партияларнинг вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари раислари, депутатлар, ҳокимликларнинг таъинлиқ-назорат гуруҳлари раҳбарлари, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари ва бошқалар иштирок этди.

Семинарда қайд этилганидек, Ўзбекистоннинг сайлов қонунчилиги тизими ҳар бир фуқаронинг сайлов ҳуқуқларидан фойдаланишларини кафолатлайди. Шу билан бирга, сайлов комиссиялари, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қонунга хилоф ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш имкониятини таъминлайди. Айни пайтда Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси бошчилигидаги сайлов комиссияларининг ялли ва мустақил тизими сайловларни тайёрлаш ва ўтказишга ҳозирлик қўрмоқда. Хусусан, бўлажак сайловлар арафасида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловларини тайёрлаш ва ўтказиш концепцияси" тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан сайлов қонунчилигини янада такомиллаштириш борасидаги изчил ислохотлар бошқичма-бошқич амалга оширилаётган. Айниқса, Президентимиз томонидан парламент қўни палатасига "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносаба-

Тадбир

Шунингдек, тадбирда "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги Қонунга Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайдиган махсус боб киритишни, сиёсий партиянинг ваколатли вакили институтини жорий этилишини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлиғига номзодларнинг ишонли вакиллари сонини 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтиришни назарда тутадиган ва бошқа ўзгаришларга алоҳида эътибор берилди.

Бундан ташқари, семинарда демократик сайловларнинг асослари, сиёсий партияларнинг фаолиги — демократик сайловларнинг муҳим омилли каби мавзуларда қизикарли маърузалар тингланди. Қизгин муҳокама жараёнида иштирокчиларнинг сайлов қонунчилиғига оид саволларига соҳа мутахассислари атрафлича жавоб бердилар.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

АНДИЖОН. "Марказ-саноатэкспорт", "Узинтеримпекс", "Узмарказимпекс" ва "Узпромашимпекс" ташки савдо компаниялари вилоятда фаолият юритаётган корхоналар маҳсулотларини экспорт қилишда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Мижоз топишда янгича усул

Компаниялар вакиллари вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар намуналарини Европа ва Осиёнинг бир қатор мамлакатлари компанияларига тақдим этишмоқда. Бу эса вилоятдаги ишлаб чиқарувчиларнинг хориждан ми-жозлар топишда анча кўл келаётган.

Хусусан, "Маданияттекстиль" жамияти жорий йилнинг ўтган даврида хорижа 330 миң АҚШ долларини маҳсулот экспорт қилди. "Та-гус текстиль" қўшма корхонаси жамоаси эса чет эллик мижозларига 350 миң АҚШ долларини маҳсулот етказиб берди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ойига 84 миллион сўмлик маҳсулот

НАМАНГАН. Шаҳардаги "Дамбоғной-абзалсавдо" хусусий корхонаси маҳсулотлари хариддориг бўлиб бормоқда. Бу ерда модернизация ишлари амалга оширилган, маҳсулот сифати янада яхшиланди.

Гап шундаки, хориждан келтирилган дастгоҳлар ҳисобига корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ошиб, 40 та янги иш ўрни яратилди. Шу пайтгача бу ерда ойига 24 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланаётган бўлса, хозирда мазкур кўрсаткич 84 миллион сўмга етди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

НАВОЙЙ. Вилоятда "Ўзбектелеком" тармоқлари кенгайиб, аҳолига коммуникация хизматлари кўрсатиш сезиларли даражада яхшиланди.

Хизмат сифати яхшиланди

Худудда миң километр масофага кабелли линиялар тортилди, телефон алоқасида истиқболли имкониятлар яратилди. Натижада вилоятда миқозлар сонини кўпайиб, 29 миңгадан 66,6 миңгага етди.

Соҳага киритилган 20 миллион долларлик инвестиция бугун ўзини тўла оқламоқда. Айни пайтда "Ўзбектелеком"нинг Навоий минтақавий филиалида миқозларга 16 та қўшимча хизмат тури яратилган.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорнинг кичик корхонаси

СИРДАРЁ. Ҳовос туманидаги Қаҳрамон қишлоғида тадбиркор Орзумдор Ёқубалиев мебель ишлаб чиқариш цехини ишга туширди.

Ҳозир ушбу цехда меҳнат қилаётган 15 нафар ишчи томонидан стол-стул, тўйхонабоп ўриндиқ ва сўрилар тайёрланмоқда. Утган қисқа вақт мобайнида бу ерда 50 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, миқозларга етказиб берилди.

А. ШЕРНАЗАРОВ.

ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИ ҲАЖМИ КЎПАЙМОҚДА

2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида мамлакатимизда истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши

13,1 фоизни ташкил қилди.

Ўтган олти ой давомида республикамизнинг барча худудларида аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш мақсадида амалий чора-тадбирлар кўрилган тўғрисида шундай ижобий ўсишга эришилди.



ЖАҲОН 24 соат ичида

Фойда ўрнига зарар

Франциянинг "Renault" автомобилсозлик компанияси жорий йил биринчи ярмини 2,71 миллиард евро микдоридagi зарар билан якунлаган.



Бу ҳақда "Bloomberg" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Компания 2008 йилнинг шу даврида 1,58 миллиард евро соф фойда кўрган.

Изоҳланганича, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли "Renault" маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин камайиб кетиши даромадга путур етказган.

Аҳоли эмланади

АҚШ ҳукумати мамлакат аҳолисининг ярми А/Н1Н1 гриппига қарши эмланишини маълум қилди.

Мазкур тadbир жорий йилнинг октябрь ойи ўрталарида бошланади. Режага кўра, нафақахўрлардан ташқари барча қатлам вакиллари эмлашга жалб этилади. Кампания давомида 160 миллион кишига касалликка қарши вакцина берилиши кўзда тутилган.

Тинимсиз ёмғир туфайли

Хитой жанубида бир неча кундан бери ёғадиган ёмғир сув тошқинлари ва кўчкиларга сабаб бўлди.

Бундай ноқулай об-ҳаво шароитидан, айниқса, мамлакатнинг Синчуань, Хунань, Гуйчжоу, Гуанси ва Цзянси музофотлари аҳолиси қаттиқ азият чекмоқда. Ҳозирга қадар табиат инжиқлиги оқибатида 66 нафар киши ҳаётдан кўз юмди, 10 мингдан ортиқ эса ўз уйларини ташлаб кетишга мажбур бўлган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, ушбу офат мамлакат иқтисодиётига 50 миллион АҚШ доллари микдорида зарар етказган.

Тўқнашув оқибати

Жанубий Африка Республикасида уч кундан буйён маҳаллий бошқарув органлари қарши норозилик намойишлари бўлиб ўтмоқда.

Минглаб одамлар мамлакатнинг Йоханнесбург шаҳрини ўраб олганлар. Худудда транспорт ҳаракати тўхтаб қолган. Намойишчилар энг кам иш ҳақи ва ойлик маошлар миқдорини оширишни талаб қилишмоқда. Айтиш жоизки, айни пайтда ЖАРда ишсизлик даражаси ўсиб, 23 фоизга етган. Баъзи манбаларда эса бу кўрсаткич 40 фоиз атрофида эканлиги айтилмоқда.

Полиция ходимлари шаҳарда тартиб ўрнатишга уринишмоқда. Худди шундай тартибсизликлар душанба кўни Полкован шаҳрида ҳам бўлиб ўтган. Ушанда намойишчилар ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ўртасида юзага келган тўқнашувлар натижа-сида ўнлаб одамлар жароҳат олган.

Кенг қамровли қидирув

Жазирнинг Типаза музофотида соқчилар отрядига экстремистлар томонидан ҳужум уюштирилди.

Манбада айтилишича, дастлаб ҳарбийларга қарата бир неча портловчи қурилма улоқтирилган. Кейин қуроллардан ўқ узилган. Босқин вақтида 14 нафар ҳарбий ҳалок бўлган, етти нафари эса тан жароҳати олган.

Жиноятчилар яширинишга улгуришган. Мамлакат хавфсизлик қучлари уларни қўлга олиш учун худудда кенг қамровли қидирув бошлаган.

Қўлланма чоп этилди

Ирландияда кишининг руҳий зарбаларга чидамли бўлишига қўмақлашувчи қўлланма чоп этилди.

Бунга инқироз даврида мамлакат аҳолиси ўртасида тушқун кайфиятдагилар сони ошиб кетганлиги сабаб бўлган. Қийинчиликларга дош беролмаганлар орасида эса ўз жонига қасд қилиш эҳтимоли ортган. Қўллан-

ма ана шундай таҳликага тушиб қолганларга ёрдам беришга умид қилинмоқда. Статистика маълумотларига кўра, ҳозирда Ирландияда ишсизлик даражаси 12 фоизни ташкил этади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан электрон оммавий ахборот воситаларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида юртимизда қўллаб-қувватлаётган теледиданнинг фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини босқичма-босқич такомиллаштиришга йўналтирилган лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Дарҳақиқат, ҳозирда Нодавлат телеканаллар тармоғи (НТТ) ва худудий радиостанциялар орқали эфирга узатилаётган дастурлар, кўрсатув ва эшиттирилган мазмун-мундарижаси бойиб, савияси юксалиб бораёпти. Ўз навбатида, маз-

ҳавола қилинган. Бу борада, айниқса, "Жиззах", "Самарқанд — СТВ", "Марғилон" телевидиенеларининг дастурлари алоҳида эътирофга лойиқ. Шу билан бирга, "Худуд" ахборот-таҳлилий дастуриде ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан

Анжуман

эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда Нодавлат радиостанциялар тармоғи (НРТ)нинг ташкил этилиши муҳим янгиллик бўлди. Эндиликда ушбу хайрли ташаббус натижасида республикамиз бўйича 13 та радиостанция фаолият олиб боради.

Шунингдек, йилгида ОАВ фаолиятига оид қонунларнинг жойлардаги ижроси, худудий радиостанцияларда маънавий-маърифий мавзуларнинг ёритилиши каби масалалар ҳам муҳокама этилди. Бу борада йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ф. БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЮРТ ТАҚДИРИГА ДАХЛДОРЛИК ТҮЙҒУСИ

Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти якунларига бағишлаб ўтказилган йилги кўйилди. Анжуманда нодавлат теледидан-узатувчиларнинг 2009 йилга мўлжалланган Ривожланиш дастуридан ўрин олган лойиҳалар бўйича амалга оширилган ишлар ҳисоботи тингланди.

Тадбирда Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқарув раиси Ф. Абдуқолиқов сўзга чиқиб, ОАВ фаолиятини либераллаштириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар самарасига тўхталар экан, республикамизда теледидан индустрия бозори яратилаётгани ҳамда ушбу соҳада дастурлар ва ижодий гоялар рақобати вужудга келаётганини эътироф этди.

кур теледидан станциялар орқали мамлакатимиздаги ислохотлар жараёни изчиллик билан ёритилмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган олти ойида НТТ ва худудий теледидан станцияларда "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг жойлардаги ижроси юзасидан 468 та кўрсатув, 1596 та телелавҳа, 743 та эшиттириш, 797 та радиохабар ва 337 та медиамасхулотлар аҳоли эътиборига

ҳамкорликда жамиятдаги турли иллатларни фож этувчи 29 та ахборот лавҳаси, юртдошларимизни оғоҳликка чорловчи 19 та ҳужжатли фильм ҳамда ижтимоий муаммоларга бағишланган "Енимиздаги одамлар", "Ҳар бир оқшомининг хайрли бўлисин" ток-шоуларининг қўллаб-қўллагани эфирга узатилди.

Бинобарин, мамлакатимизнинг чекка худудларида истиқомат қиладиган аҳолининг ахборотга бўлган

«САНИПЛАСТ» Ўзбекистон — Исроил қўшма корхонаси

томчилатиб сўғориш тизимларини ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган, Ўзбекистонда ягона корхона сифатида гўзани, бог ва иссиқхоналарни томчилатиб сўғориш тизимларини

сотиб олишни тақриф этади.

«Санипласт» лойиҳаларини амалга оширади, материалларни etkazиб беради ва монтаж ишларини бажаради.

Бизнинг мутахассисларимиз экинларни сўғориш ва ўғитлашда маслаҳатларини аямайди.

Сервис хизмати кўрсатиб, эҳтиёт қисмларини etkazамиз.

Хизмат сифатига қафолат берамиз.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100187, Ташкент шаҳри, «Корасув-4» мавзеси, 11-уй. Телефонлар: 265-18-56, 265-16-91.

Qishloq Qurilish Bank

«Moody's Investors Service» халқаро рейтинг компанияси томонидан

ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

фаолияти учун халқаро рейтинг шкаласи бўйича аввалги йилда берилган «B3/NP/E+» рейтинг баҳоси

«B2/NP/E+» даражасига кўтарилгани таъкидланди.

Банкка берилган барча рейтинглар «Барқарор» прогнозга эга.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

Ахборот маркази телефонлари: (+99871) 233-71-72, 236-16-17.

E-mail: info@qqb.uz

www.qishloqqurilishbank.uz

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР

ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ

КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ, СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

КАФЕЛЬ (облицовочный и напольный)

САНТЕХНИКА (унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ

Тел.: 333-71-55, факс: 267-35-73

Торговый магазин: ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127

zakamsk-group@mail.ru

Яхши хабар

«Полвонлар миллий энциклопедияси» жамияти

миллий спортимиз ривожига ҳисса қўшади

Истиқлол йилларида мамлакатимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш билан бир қаторда, миллий спорт турларини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Президентимиз бошчилигида азалли ҳаётининг саналган қурашчи олим-олимлари, уни дунё миқёсига олиб чиқиш борасидаги савий-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда. Халқаро спорт тури мақомига олганига эндигина 11 йил бўлганига қарамай, айни пайтда жаҳоннинг юздан ортиқ мамлакатда қураш федерацияси фаолияти йўлга қўйилгани фикрининг ёрқин далилидир.

Бугунги кунда гуруҳимиз тинимсиз айланиб айналаримизни асраб-авайлаш, уларни ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мақсадларни амалга оширишни қўлаб, «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамияти ташкил этилди. Бу ҳақда яқинда пойтахтимиздаги Миллий маданият марказида Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирилари, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди вакиллари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

— Тарғибга назар ташласак, доруғи етти икмига танилган биз билган, билмаган қанчалар полвонлар ўтган, — дейди мазкур жамият раиси Н. Юсупов. — Масалан, Аҳмад полвон, Сайфиддин Ходиев, Бобомурод Файзиев... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Истиқлол йилларида эса Ташкент Марказий стадион, Басмол, Авазов, Махтумқули Махмудов, Абдулла Тангриев, Давлат Чориев, Раҳимиддин Саидов каби янги-янги номлар кўшиқ қўлади. Бугун уларни жаҳонда яқин билишди, кураш устаси, дея тан олишди. «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамияти ана шундай полвонларимиз ҳақида оммага, айниқса, ёшларга маълум қилиш мақсади билан «Полвонлар миллий энциклопедияси» жамияти ташкил этилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, жамият ўз фаолияти давомида номлари унутилиб кетган полвонлар ҳақида маълумотлар тўплаб, тадқиқотлар олиб боради. Бундан ташқари, спортчиларнинг маънавий ҳақда маърифий малакаларини оширишда, спортнинг мазкур турларини ривожлантиришга хизмат қилувчи халқаро тадбирларни ташкиллаштиришда ахборот федерациялари, ассоциациялари ва клубларга қўмақлашади.

Омонулло ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК «ШАҲАРЛАРА АЛОҚА КОРХОНАСИ» ФИЛИАЛИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида минглаб километр узунликда металл қобикли ва замонавий шиша толали магистраль алоқа линиялари ётқизилганини ва ишлаб турганини эслатиб ўтади.

Республика Телекоммуникация тармоқларини реконструкциялаш ва ривожлантириш миллий дастурига мувофиқ, алоқа тизими жадал ривожланмоқда, замонавий узатиш тизими билан жиҳозланган янги алоқа линиялари қурилмоқда. Алоқа линиялари муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан «Телекоммуникация линиялари ва ишшоотларини қўриқлаш қондалари» қабул қилинган ва тасдиқланган. Унда барча корхоналар, ташкилотлар, муассасалар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан ушбу қондаларга амал қилиш ва магистраль алоқа кабелларига шикаст etkazмасликлари шартлиги кўрсатиб ўтилган.

КАБЕЛНИНГ МУҲОФАЗА МАСОФАСИ

2 МЕТР 2 МЕТР

ЕР ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАҚИҚЛАНДИ

Манзил: Телефон:

Қ А З И Ў Л М А С И Н

Шаҳарлараро алоқа линияларининг шикастланиши алоқа корхоналарига моддий зарар etkazди, халқаро, шаҳарлараро алоқалар, ахборотлар узатиш тизимларида тўхташар юз беришига олиб келади. Эсда тутиш! Алоқа линияларини шикастланган корхоналар, ташкилотлар ва жисмоний шахслар алоқа корхоналарига келтирилган моддий зарарни тўлайди. Қандайдир ер қазих ва қурилиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилиб қолган тақдирда, сиз кабель трассасини ўзбошимчалик билан аниқлашга уринманг, буни фақат бизнинг вакилимиз амалга оширади. Қуйидаги телефонларга мурожаат қилиб, кабель магистраль линиялари ўтган жойлар ҳақида тулиқ маълумот олишингиз мумкин. Кабель участкаси манзили кабель жойлашган трасса белгисиде кўрсатилган.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар манзиллари ва телефонлари:

«Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали: Ташкент ш., А.Толстой к., 23-уй, ком-р.	244-61-08, 232-01-26, 244-29-59, 238-12-89, 244-29-93, 177-06-46
Пахта қўргони	250-36-79, 177-06-46
0-ЛКЦ Ташкент ш. КУ-1 Тўйтепа ш. КУ-1 Ф-л Ангрен ЛТЦ Бекобод	21-306, 21-121, 177-06-49, 2-27-61, 177-06-47, 2-54-11, 177-06-64
1-Шаҳарлараро магистраль алоқа техник боғламаси манзили: Ташкент ш., А. Ҳужаев к., 29-уй. КУ-1 Ташкент ш., Буюк Ипак йўли к., 264-уй. КУ-2 Янгиўл ш., Чарикова к., 172-уй. КУ-3 Тўйтепа ш., Бобур к., 40-уй.	235-36-59, 265-80-43, 168-72-86, 168-48-51
2-ШАМТБ манзили: Кўкон ш., Истиқлол к., 58-уй. КУ-2 Бешарик тум. маркази, Сирдарё к., 9-уй. КУ-3 Наманган ш., Нуробод мавзеси, телеминора. КУ-4 Андижон ш., Чўлпон к., 9-уй. КУ-5 Янгиқўрган тум. маркази, Чўстий к., 1-уй.	55-2-24-71, 61-2-23-66, 25-08-82, 22-23-81, 52-9-24-55
3-ШАМТБ манзили: Гулистон ш., Дўстлик кўр. КУ Сирдарё ш. КУ Жиззах ш. ЛТЦ-2 Янгиер ш. КУ Даштобод ш.	27-16-20, 57-28-98, 57-34-36, 77-05-27, 6-22-07, 72-30-28, 72-30-24, 8-372-382-10-06
4-ШАМТБ манзили: Булунғур ш., Самарқанд к., 18-уй.	33-52-60
5-ШАМТБ манзили: Бухоро ш., Ғиждувон к., 69-уй.	223-38-37
6-ШАМТБ манзили: Нукус ш., Ашқобод к., 1-уй. КУ Тўртқўл ш. КУ Беруний ш.	222-37-07, 222-00-43, 532-30-80, ички 1-42, 524-30-60, ички 1-38
7-ШАМТБ манзили: Термиз ш., Гагарин к., 32-уй. ЛТЦ-16 Денов ш.	3-59-07, 7-37-62
8-ШАМТБ манзили: Қарши ш., Ҳуснобод к., 1-уй. ЛТЦ-15 Ғузур ш.	221-02-41, 55-22-1-67
9-ШАМТБ манзили: Урганч ш., Дўсов к., 2-уй.	226-36-58, 226-36-33
10-ШАМТБ манзили: Навоий ш., Кармана к., 2-«Б» уй. КУ-3 Каттақўрган ш. КУ-4 Ғиждувон ш.	224-75-21, 45-5-24-54, 57-2-14-75

Кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасига руксатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст etkazувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан:

- руксатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва ишшоотларни тиклаш;
- кабель магистраль алоқа линиялари трассалари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхташ жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш;
- кабель магистраль алоқа линиялари ўтган жойларни кўрсатувчи оғоҳлантириш устунларини ва белгиларини ўзбошимчалик билан қўриши, синдириши, қўриши;
- турли хил тоғ, қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш;
- кабель магистраль алоқа линиялари муҳофаза зонасидан қудуқлар қазих, шурф қурилиш ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш;
- турли хил чикиндилар ташлаш, кислота, туз ва ишқор эритмаларини тўкиш;
- магистраль линиялари ўтган ерда гулханлар ёқиш ТАҚИҚЛАНДИ!

ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БУЛИН!
АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ!
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
«Ўзбектелеком» АК «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиали.

Завод ТТЕМЗ истроговливает и реализует:

КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А

предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий

- максимальная грузоподъемность — 8 т
- максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой)
- максимальная высота подъема гор. — 41,5 м, наклонно — 57,5 м

АВТОКРАНЫ:

для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ

- максимальная грузоподъемность — 14 т
- максимальная высота подъема — 14,5 м

КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность — 16 т
- максимальная высота подъема — 22 м

КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ

- максимальная грузоподъемность — 25 т
- максимальная высота подъема — 29 м (с гуськом)

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

Теперь и в лизинг

Товар сертифицирован

«Ўзбекино» Миллий агентлиги, Киноарбоблар бирлашмаси жамоалари Ўзбекистон халқ артисти, киноактёр Мурод Ражабовга волида мухтарамаси **МАХСУДАХОН АЛИЕВ** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси жамоаси меҳнат фанриқси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист **Самат ПУЛАТОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик билдиради.

